

**ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

РАХМАНОВ ҒАНИБОЙ ТОДЖИЕВИЧ

**АТОМ ВА КЎП АТОМЛИ ЗАРРАЧАЛАРНИНГ ВОЛЬФРАМ ВА
МОЛИБДЕН ЮЗАСИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИНИНГ КИНЕТИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИ**

01.04.04- Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

**Физика-математика фанлари доктори(DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора(DSc) физико-
математических наук**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor (DSc) on physical
and mathematical sciences**

Рахмонов Ганибой Тоджиевич

Атом ва кўп атомли заррачаларнинг вольфрам ва молибден сирти
билан ўзаро таъсири кинетик характеристикалари

..... 3

Рахманов Ганибой Таджиевич

Кинетические характеристики взаимодействия атомных и
многоатомных частиц с поверхностью вольфрама и молибдена

..... 28

Rakhmanov Ganiboy Tadjiyevich

Kinetically characteristics interaction of atoms and molecules with
wolfram and molybdenum surface

53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 65

**ИОН ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ

РАХМАНОВ ҒАНИБОЙ ТОДЖИЕВИЧ

**АТОМ ВА КЎП АТОМЛИ ЗАРРАЧАЛАРНИНГ ВОЛЬФРАМ ВА
МОЛИБДЕН ЮЗАСИ БИЛАН ЎЗARO ТАЪСИРИНИНГ КИНЕТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ.**

01.04.04- Физик электроника

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Физика-математика фанлари бўйича докторлик диссертацияси (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2022.4.DSc/FM206 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.iplt.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар: Умирзоқов Болтахўжа Ерматович
физика-математика фанлари доктори, профессор
Усманов Дилшодбек Турсунбоевич
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Мамадалимов Абдугафур Тешабоевич,
физика-математика фанлари доктори, академик
Ниматов Самад Жайсанович
физика-математика фанлари доктори, доцент
Қутлиев Учқун Отабоевич,
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Қарши Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «31» май соат 14³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (+99871) 262-32-54, e-mail: info@iplt.uz, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел: (+99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2023 йил «22» май кuni тарқатилди.

(2023 йил «22» май даги 4 рақамли реестр баённомаси)



Х.Б. Ашуров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор.

И.Д. Ядгаров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор.

Б.Е. Умирзаков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (Докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги вақтда дунёда фан ва техникага ажратилаётган сармоянинг 80% га яқини моддалар таҳлили муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ечишнинг янги технологиялари ва усулларини яратиш, ҳамда мавжудларини такомиллаштиришга сарфланмоқда. Уларга атроф-муҳит объектларида, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бионамуналарда мавжуд моддаларнинг из қолдиқ миқдорларини аниқлаш ва уларни таҳлил қилишнинг амалий муаммолари киради. Ушбу масалаларни ечишда ҳозирги вақтда хромато-масс-спектрометрия ва бошқа самарали физик-химиявий методлар каби юқори технологияли методлардан фойдаланилмоқда, ва улар такомиллаштиб борилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги вақтда айниқса жадал ривожланаётган физик электроника соҳасида энг муҳим долзарб масалалардан бири қаттиқ жисмлар сиртида содир бўладиган физик-кимёвий ҳодисаларнинг механизмларини етарлича тушуниб етишдир. Ушбу мақсадларда фойдаланиладиган барча қурилма ва усулларнинг асосида сирт ва сиртга тушаётган бошқа турдаги атом ва молекулаларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири ётади.

Физик электрониканинг, хусусан сирт физикасининг анъанавий масалаларидан бири атом ва молекулаларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсирини ўрганиш ҳисобланади. Сўнгги йилларда фан ва техниканинг кўплаб соҳаларининг ривожланиши (масалан, эмиссион электроника ва гетероген катализ, нанотехнология, микроэлектроника, материалшунослик ва бошқалар) қаттиқ жисм юзасида содир бўладиган гетероген жараёнлар ҳақида атом ва молекуляр даражада батафсил маълумот олишни талаб қилади. Аммо, муаммо шундаки: амалий муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим бўлган бундай маълумотларни олиш қийин. Ва бу ҳолат мавжуд тадқиқот усулларини доимий равишда такомиллаштириш ва янги тадқиқот усулларини излашга ундайди.

Сиртий ионлашишнинг ностационар усуллари заррачаларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсирини ўрганишнинг энг информацион усулларида биридир. Масалан, атом оқимларининг адсорбциясида улар термал десорбциянинг кинетик хусусиятларини - сиртдаги заррачаларнинг ўртача яшаш вақтини, атомлар ва ионларнинг буғланиш ҳароратини аниқлашга имкон беради. Молекуляр заррачаларнинг адсорбцияси жараёнида, ионлашиш қоидасига кўра ионлар асосан бошланғич молекулалардан эмас, балки уларнинг сиртдаги гетероген реакциялари маҳсулотларидан ҳосил бўлади. Шунинг учун, ностационар шароитда молекуляр зарраларнинг сиртий ионланишини (СИ) ўрганишда, сиртга келиб тушаётган молекулаларнинг гетероген реакциялари маҳсулотларининг ион тоқлари, нафақат ионлашган заррача ташқи электронининг туннел изотермик ўтиш шартлари ҳақида, балки ионлашувчи заррача ҳосил бўлишига олиб келадиган гетероген реакция жараёни босқичи ҳақида ҳам маълумот олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 22 августдаги ПҚ – 4422-сон “Иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш бўйича тезкор чора-тадбирлар тўғрисида” ги ва

2019 йил 17 июндаги 4358-сон “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетда талабалар таёрлашни тубдан таъминлаш ва илмий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади¹.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг: III “Энергия, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машина ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобларни ишлаб чиқиш” ва ПФИ-2 «Физика, астрономия, энергетика и машинасозлик» устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилди

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Икки атомли ва кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм юзаси билан ўзаро таъсирининг кинетик характеристикаларини аниқлаш хорижда: Кавано Х. ҳамкасблари ва Фужи Т.С. ходимлари (Япония), америкалик олимлар М.П. Нилл ва К. Мюллер гуруҳи (АҚШ), Л. Ҳолмлид ва Ж.О. Олссон (Швеция) ва бошқалар томонидан жадал ўрганилган. Сўнгги пайтларда турли хил, таркибида азот бўлган органик бирикмаларнинг инсон организмга таъсир қилиш механизмининг қонуниятларини, уларнинг адсорбцияси ва фармакологик хусусиятларини аниқлаш бўйича кўплаб ишлар пайдо бўлди: М.А. М.А.Нуйестис ва унинг ҳаммуаллифлари (НИДА, Балтимор, АҚШ), таркибида азот бўлган органик бирикмалар фармакодинамикасини ва уларнинг инсон организмга таъсирини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. А.Ф. Иоффе (Россия) номидаги физика-техника институтида. М.Н. Лапушкин ва М.В. Кнатколар сирт ионланиши ва уни қўллаш бўйича фундаментал ишларни давом эттиришмоқда. Японияда проф. Фуджи Т. (Fujii Toshihiro, Атроф муҳитни ўрганиш Миллий институти, Япония) нинг бу соҳадаги ишлари проф. Ишии А. (Ishii A., Hamamatsu Medical University, Япония), А. Намерой ва бошқа олимларнинг саъйи-ҳаракатлари билан давом эттирилиб ривожлантирилмоқда. Адсорбция, десорбция, кинетика ва термодинамика жараёнлари сўнгги йилларда Ҳиндистонда Парамалам Рамачандран ва бошқалар томонидан жадал ўрганилмоқда (Department of Chemistry, Sri Meenakshi Government College for Women, Maduraj Tamil Nadu).

¹ Диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар <https://www.researchgate.net>, www.elsevier.com, <https://www.nxp.com>, <http://www.bmstu.ru>, <https://www.msu.ru>, <https://www.bsuir.by>, <http://www.enu.kz> ва бошқа манбалар асосида тузилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Модданинг кинетик характеристикаларини аниқлашда стационар бўлмаган жараёнлардан фойдаланишни ўтган асрнинг 40-йилларида ўзбек олимлари Стародубцев С.В. ва Арифов У.А., чет эл олимлари Ф.Кнауер ва П.Б. Мун, кейинчалик А.Ф. Иоффе (Россия) институтида Э.Я. Зандберг бошчилигида давом этади. 1982 йилдан бошлаб бу ишлар У.А. Арифов номидаги Электроника институтида, академик Расулев У.Х. ва профессор Назаров Э.Г. лар томонидан давом эттирилди. Ҳозиргача ушбу мактабнинг бу соҳадаги ишлари атом ва кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири кинетик характеристикаларини аниқлашда давом этмоқда. Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси У.Арифов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб (35 йилдан ортиқ) фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Атом ва кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсирининг кинетик характеристикалари, янги экспресс юқори сезгир танловчан усулларни ишлаб чиқиш ва газни таҳлил қилиш бўйича яратилган ускуналарнинг дунёда ўхшаши йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг қуйидаги лойиҳалари фундаментал ва амалий тадқиқот ишлари режаси доирасида амалга оширилди:

№ ФА-Ф2-Ф094 сонли “Кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм юзаси билан ўзаро таъсири: адсорбция ва сирт ионлашувининг мувозанат жараёнларидан иккиламчи эмиссия ҳодисаларида ночизиқли кўшилмаган таъсирларгача” (2008–2012); №ФА-Ф2-Ф162 сонли “Кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм юзаси билан ўзаро таъсири” (2012–2016); №А3-ФА-Ф168 сонли “Гиёҳвандлик ва гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўйича Республика дастурига мувофиқ “Дори намуналарининг ишлаб чиқариш ҳудуди ва ягона массага тегишлилигини аниқлашнинг сирт-ионлаш усулларини ишлаб чиқиш” (2012-2014-йиллар) 2011-2015 йиллар учун одам савдоси. 8-банд: “Дори воситалари намуналарининг ишлаб чиқариш ҳудудини ва ягона массага тегишлилигини аниқлаш имконини берувчи усуллар мажмуасини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалиётига жорий этиш”; ИЗ-ФА-Ф013-сон “Гиёҳвандликка қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бўйича Республика дастурига мувофиқ “Чекиш аралашмалари ва бошқа суд-тиббиёт материаллари таркибидаги синтетик каннабиноидларни юқори сезувчанлик билан экспресс-аниқлаш учун термал десорбцион сирт-ионлаш технологиясини ишлаб чиқиш” (2016-2017) 2016-2020 йиллар учун суиистеъмол ва ноқонуний савдо. 2-илова, н: ИИ-13 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ГЭҚЦ МВД РУз лабораторияси билан ҳамкорликда; №ФА- Атех -2018-17.

Тадқиқотнинг мақсади тоза вольфрам ва молибден сиртларида, шунингдек, бу ўта юқори ҳароратга чидамли металлларнинг оксидланган

сиртларида адсорбцияланган атомлар (икки ва кўп атомли заррачалар) сиртий ионланишининг ностационар жараёнларини оқим ва кучланиш модуляцияси шароитларида тадқиқ қилиш ва икки атомли (кўп атомли) заррачаларнинг диссоциатив сиртий ионланишини назарий кўриб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқим ва кучланиш модуляцияси шароитида азот асосли органик молекулаларининг (морфин, кодеин, тебаин ва кокаин) диссоциатив сирт ионланишининг стационар бўлмаган жараёнларини кўриб чиқиш;

кучланиш ва оқим модуляцияси усуллари ишлаб чиқиш, юқори вакуумли масса спектрометрик қурилмаларни такомиллаштириш;

амалий тажрибалар асосида оксидланган вольфрам ва молибден сиртида кўп атомли молекулаларнинг диссоцияланиш гетероген реакциясиялари кинетик характеристикаларини аниқлаш имкониятини кўрсатиш;

сиртий ионлашининг асосий характеристикаларни аниқлаш: таркибида азот бўлган кўп атомли органик молекулалари (морфин, кодеин, тебаин ва кокаин) нинг диссоциатив сиртий ионлашишида ионлашаётган радикаллар учун сиртий ионлашиш коэффициентини β ва даражасини α ларни аниқлаш;

кўп атомли молекулалар (морфин, кодеин, тебаин ва кокаин) сиртий ионлашиши жараёнларида самарали ионлашувчи радикаллар учун термодесорбциясининг ион ҳолатдаги термодесорбция тезлигини доимийси K^+ ва термодесорбциянинг фаолланиш энергиясини E^+ , ҳамда радикаллар учун энтропия кўпайтувчилари S ни аниқлаш;

кучланишни модуляциялаш усулидан фойдаланиб, самарали ионлашувчи радикаллар учун термодесорбциясининг нейтрал ҳолатдаги термодесорбция тезлигини доимийси K^0 ва термодесорбциянинг фаолланиш энергиясини K^0 , ҳамда радикаллар учун энтропия кўпайтувчилари D ни аниқлаш;

кучланиш ва оқим модуляцияси усулларида фойдаланиб, бир хил тажриба шароитларида кўп атомли молекулалар (морфин, кодеин, тебаин ва кокаин) нинг қаттиқ жисм сиртида гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикаларини аниқлаш;

молекулаларнинг диссоциатив сиртий ионлашиши шароитида самарали ионлашувчи радикалларнинг ионланиш потенциалларини баҳолаш.

Тадқиқот объектини ишқорий-галоидли тузлар, гиёҳванд моддалар: морфин, кодеин, тебаин, кокаин, шунингдек оксидланган вольфрам ва молибден сиртлари ташкил этади.

Тадқиқот предмети бўлиб стационар ва стационар бўлмаган шароитларда молекулаларнинг диссоциатив сирт ионланиши ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари: сирт ионлашиши масс-спектрометрияси, электронлар билан ионланишли масс-спектрометрияси, термоэмиссия, сиртни ионлашнинг стационар бўлмаган усуллари. Активация энергиясини аниқлашда Аррениус эгри чизиклари усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўп атомли заррачаларнинг диссоциатив сирт ионланишида кўлланиладиган кучланиш ва оқимларни модуляция қилиш усули назарий жиҳатдан кўриб чиқилди. Кучланишни бошқариш усули атом зарраларининг ва сиртга тушаётган молекулаларнинг бўлиниш реакциялари маҳсулотлари термодесорбцияси кинетик характеристикалари тўғрисида маълумот бериши, сиртга тушаётган заррачалар оқимини бошқариш усули эса маълум шароитларда реакция кинетикаси ҳақида маълумот бериши назарий ва амалий жиҳатдан аниқланди;

биринчи марта молекулаларнинг диссоцияланишнинг гетероген реакциясининг характеристик вақти ва фаолланиш энергиясини бевосита аниқлаш усули таклиф қилинди, бу бир хил тажриба шароитларида икки атомли ва кўп атомли молекулаларнинг сирт ионланишини кучланиш ва оқим модуляцияси усуллари билан ўрганишга асосланган;

биринчи марта вольфрам ва молибденнинг тоза ва оксидланган юзаларида ишқорий-галоидли тузлар молекулалари ва турли синфдаги органик бирикмалар кўп атомли молекулаларининг гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикалари амалий равишда аниқланди;

ишқорий-галоидли тузларининг икки атомли молекулалари ҳолатида ушбу молекулаларнинг металл юзасида гетероген фаоллашув энергиясининг мутлақ қийматлари мос келадиган уларнинг фазодаги бўлиниш энергияси қийматларига яқин эканлиги аниқланди;

металл юзасида кутбли молекулаларнинг адсорбцияси модели таклиф қилинди, унга кўра молекула ва унинг кўзгу тасвири ўртасидаги Кулон ўзаро таъсир кучлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги топилди;

биринчи марта морфин, кодеин, тебаин ва кокаин каби кўп атомли молекулаларининг диссоциатив сиртий ионлашиши стационар ва стационар бўлмаган шароитларда бир хил тажриба шароитларида сиртий ионлашишнинг стационар бўлмаган усуллари билан ўрганилди;

биринчи марта морфин, кодеин, тебаин ва кокаин каби кўп атомли молекулаларнинг жараёнида $(C - C)_\beta$ ва $(C - H)_\beta$ боғларнинг узилиши билан содир бўладиган гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикалари аниқланди;

Шоттки нисбатидан фойдаланиб, турли синфдаги органик бирикмалар молекулаларининг диссоциацияси жараёнида $C_9H_7N^+CH_3$ (m/z 144 билан) ва $C_{11}H_{12}ON^+$ (m/z 174 билан) каби радикалларнинг ионланиш потенциаллари баҳоланди;

Френкель тенгламасидан фойдаланиб, баъзи органик бирикмалар морфин, кодеин, тебаин ва кокаин молекулаларининг сублимация ҳароратлари аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модель икки атомли ишқорий-галоидли тузлар молекулаларининг диссоциатив сирт ионланишининг изотермик ностационар жараёнлари кўриб чиқилади. Усулларнинг ҳар бири билан аниқланган катталикларнинг маъноси ойдинлаштирилди;

молекулаларнинг гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикаларини аниқлаш усули таклиф қилинди;

бир хил тажриба шароитларида адсорбент сирти бир жинслилигини назорат қилиш имкони бўлган такомиллаштирилган заррачалар оқими ва эмиттер сиртидаги кучланишни бошқариш методларидан фойдаланиш мумкин бўлган ўта юқори вакуумли масс-спектрометрик қурилма яратилди.

Тажриба жараёнида заррачаларнинг яшаш вақтларини тўғридан-тўғри аниқлаш имконини берувчи частота ва импульс чуқурлигини ўзгартириб туриш имкониятига эга заррачалар оқимини бошқариш усули ишлаб чиқилди.

Заррачалар оқими ва сиртдаги кучланишни модуляция қилиш усуллари оид бевосита тажриба жараёнларида сиртни назорат қилиш имконини берувчи кузатиш усуллари таклиф қилинди.

Молибден сиртида ишқорий-галоидли тузлар молекулаларининг ҳозиргача номаълум бўлган гетероген бўлиниш реакцияларининг тезлик доимийлари ва фаолаштириш энергиялари аниқланди, уларнинг молекуланинг физик-кимёвий хоссаларига ва адсорбентнинг термоэмиссион хоссаларига боғлиқ эмаслиги аниқланди.

Таркибида азот бўлган кўп атомли молекулаларнинг сиртдаги гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикалари нафақат гетероген катализ учун, балки амалий масалалар, масалан гиёҳванд моддалар, пестицидлар ва турли муҳитлардаги бошқа доривор препаратлар, шунингдек фойдаланувчилар бионамуналаридаги таъқиқланган моддаларни ҳам юқори сезгирликда аниқлаш имконини берувчи сиртий ионлашиш ҳодисаси асосида ишлайдиган қурилмаларни ишлаб чиқишда ҳам самара беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сиртий ионлашиш масса-спектрометрия, электронлар таъсирида ионлаштиришли масс-спектрометрия усуллари кўллаш, тажрибалар шартлари ва статистик маълумотларини батафсил ва тўлиқ таҳлил қилиш, юқори аниқликдаги замонавий ўлчов асбобларини кўллаш билан асосланади; олинган амалий натижалар мумкин бўлган хатоларни ҳисобга олган ҳолда статистик усуллар ёрдамида қайта ишланди; олинган амалий натижалар ва хулосалар юқори вакуумли муҳитда органик бирикмаларнинг ионланиш механизмларини ўрганишга бағишланган замонавий тадқиқотлар маълумотларига мос келади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий ва илмий аҳамияти: Ушбу ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар: ион ёки нейтрал ҳолатдаги заррачалар термодесорбцияси ўртача яшаш вақти (тезлик доимийлари), уларга мос фаоллашув энергиялари ва экспонента олди кўпайтувчилари, сиртий ионлашишнинг асосий характеристикалари, шунингдек сиртда молекулаларнинг гетероген бўлиниш реакцияси тезликлари доимийлари, сублимация ҳароратлари, ионланиш потенциаллари, уларнинг атом ва молекулалар физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқлиги, адсорбентларнинг адсорбцион ва термоэмиссия хусусиятлари нафақат. ионлар ҳосил бўлиши механизмларини, гетероген катализни чуқурроқ тушуниш учун

фундаментал бўлган атом ва молекуляр заррачаларнинг қаттиқ жисм сирти ўзаро таъсири назариясини ривожлантириш, балки сиртий ионлашиш ҳодисаси асосида ишлайдиган детекторларни такомиллаштириш, шунингдек, ТЭС (термоион энергия ўзгартиргичлари) ни яратиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оксидланган вольфрам ва молибден сиртида имипрамин, лидокаин, морфин ва бошқа доривор ва гиёҳванд моддалар кўп атомли молекулаларининг диссоциатив сирт ионланишини масса-спектрометрик тадқиқотлар натижаларига кўра:

диссертация ишида тайёрланган ва фойдаланилган термоэмиттерларнинг чиқиш ишини аниқлаш, уларни оксидлаш ва ионлашувчи заррачаларнинг ионлашиш потенциалларини аниқлаш бўйича олинган натижалардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида профессор Бурибоев И. раҳбарлигида 2007-2011 йилларда амалга оширилган “Ион легираш усулида олинган қийин эрувчи металллар асосидаги қотишмаларнинг электрон структуралари шаклланиши механизмини тадқиқ қилиш” мавзуидаги ОТ-Ф2-063 сонли Давлат грантини амалга оширишда фойдаланилди (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2022 йил 22 декабрь санасидаги № 04/11-8369 рақамли далолатномаси). Натижада тадқиқ қилинаётган қотишмаларни олиш ва уларнинг термоэмиссион хусусиятларини яхшироқ ўрганишга, экспериментал курилмаларни такомиллаштиришга ва тадқиқ қилинаётган материалларнинг оксидлаш жараёнларини яхшилашга эришилди;

диссертация ишида металл ва уларнинг оксидланган сиртларида олинган термодесорбция кинетик характеристикаларидан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтида Раджабов А.Ш. раҳбарлигида 2017-2018 йилларда амалга оширилган “Органик бирикмаларнинг кўп атомли молекулаларининг ҳаво атмосферасида сиртий ионлашиши термодесорбция кинетикасини аниқлаш” мавзуидаги МУ-Ф3-201710271025268 сонли Давлат грантида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2023 йил 6 март санасидаги № 2/1255-453 рақамли далолатномаси). Олинган натижалар “Органик бирикмалар сиртий-ионлашиш масс-спектрометрияси” методини ишлаб чиқиш имконини берди;

диссертация ишида металл ва уларнинг оксидланган сиртларида олинган термодесорбция кинетик характеристикаларидан Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида Давлат илмий-техника дастури доирасида А.А. Абдувойитов раҳбарлигида 2015-2020 йилларда амалга оширилган “Турли табиатли монокристалл материалларнинг таркибини ва сиртидаги киришма атомларнинг жойлашув ўрнини аниқлаш ” мавзуидаги YOF2-02 сонли ва “Ўта сезгир фотоэлементлар, жумладан куёш элементларини тайёрлашда қўлланиладиган материалларни таркибини ва физик хусусиятларини электрон спектроскопия усулларида ўрганиш” мавзуидаги YOF2-6 сонли Давлат грантларида фойдаланилди (Ислон Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника университети 2021 йил 29 декабрь санасидаги № 01/9-14-4259 рақамли маълумотномаси). Олинган илмий

натижалардан фойдаланиш экспериментал қурилмаларни такомиллаштириш ва тадқиқ қилинаётган материалларнинг оксидлаш жараёнларини яхшилаш имконини берди.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация иши натижалари 21 та халқаро ва республика анжуманларида маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг мавзуси бўйича олинган натижалар асосида 33 та илмий ишлар нашр қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган республика ва халқаро журналларда 12 та илмий мақола, 21 та маърузалар халқаро ва республика конференция тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 67 расм ва 19 жадвалдан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш диссертация мавзусининг долзарблиги ва заруриятини асослайди, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини белгилайди, тадқиқот объекти, предмети ва усулларини белгилайди, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамиятини белгилайди, тадқиқотнинг ишончлилигини асослайди ҳамда натижалар, натижаларни амалга ошириш, ишнинг апробацияси ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумот беради.

Диссертация ишининг **“Икки атомли молекулалар атомлари ва органик бирикмалар молекулалари сирт ионлашишининг асосий эмиссион муносабатлари”** деб аталган биринчи бобда адабиётлар таҳлили асосида сиртий ионлашишнинг стационар усуллари заррача ва гетероген бўлиниш реакциялари амалга ошадиган сиртга тегишли бўлган сифатий ва микдорий тхарактеристикаларни, масалан сиртнинг чиқиш иши ва заррачаларнинг ионлашиш потенциалларини аниқлаш имконини бериши кўрсатиб берилган. Ҳозирги вақтда органик бирикмалар кўп атомли молекулаларининг: доривор воситалар, пестицидлар ва гиёҳванд моддаларнинг физик-химиявий хусусиятларини аниқлаш бўйича кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Атом ёки кўп атомли заррачаларнинг қаттиқ жисм билан ўзаро таъсирининг энг муҳим тавсифлари заррачаларнинг термодесорбцияси ва қаттиқ жисм сиртида содир бўладиган бўлиниш гетероген реакциялари кинетик тавсифлари ҳисобланади. Уларга зарядланган ва нейтрал ҳолатдаги заррачаларнинг термодесорбциясига нисбатан термодесорбция тезликлари доимийлари, термодесорбция фаоллашиш энергиялари, сиртда содир бўладиган гетероген буўлиниш реакцияларининг характеристик вақтлари ва фаооллашиш энергиялари, ҳамда уларга мос узлуксизлик тенгламаларидаги экспоненциал кўпайтувчилар киради. Стационар шароитларда ўзаро таъсирнинг булар каби энг муҳим кинетик тавсифларини олиш мумкин эмас. Улар сирт ионланишининг стационар бўлмаган шароитларида олиниши мумкин. Бу каби тадқиқотларда ностационар шароитларни қуйидагича ҳосил қилиш мумкин: адсорбат-адсорбент тизими бирор-бир тарзда мувозанат ҳолатидан чиқарилади ва унинг янги мувозанат ҳолатига ўтиш жараёни ўрганилади. Маълумки, ўтиш жараёни тўлалигича кинетик характеристикалар орқали аниқланади, бу эса ўз навбатида гетероген жараёнларнинг кинетикаси ҳақида ноёб маълумот олиш имконини беради. Агар ион ҳосил бўлиш жараёни юқоридаги босқичларни ўз ичига олса, у ҳолда маълум шароитларда стационар бўлмаган жараёнларни ўрганишдан фойдаланиб, ион ҳосил бўлишига ва термодесорбцияга олиб келадиган алоҳида босқичларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Юқоридаги адабиётлар шарҳидан кўриниб турибдики, ушбу соҳадаги баъзи ютуқларга қарамай, сирт ионлашуви жараёнида адсорбция, десорбция, ион ҳосил бўлиш механизмларини тушуниш ва шунингдек, биологик намуналарда ман килинган моддаларнинг қолдиқ из микдорларини аниқлаш ва таҳлил қилиш

учун ионизацион усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун сиртдаги термодесорбция ва гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикаларини аниқлаш масалалари долзарблигича қолмоқда. Ушбу мавзудаги илмий тадқиқотлар ҳолати ва келтирилган адабиётлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ушбу диссертация иши доирасида ечилиши керак бўлган қуйидаги долзарб масалалар аниқланди:

1. Заррачалар оқими ва кучланишни бошқариш усуллари шароитларда таркибида азот бўлган гиёҳванд моддаларнинг диссоциатив сиртий ионлашиши ностационар қараб чиқилмаган;

2. Таркибида азот бўлган гиёҳванд моддаларнинг: морфин, кодеин, тебаин и кокаинларнинг адсорбциялари жараёнларида ҳосил бўладиган радикалларнинг сиртий ионлашиш коэффициенти β ва даражаси α аниқланмаган;

3. Кўп атомли молекулалар: морфин, кодеин, тебаин и кокаинларнинг адсорбциялари жараёнларида ҳосил бўладиган $C_9H_7N^+CH_3$ (m/z 144) ва $C_{11}H_{12}ON^+$ (m/z 174) термодесорбция кинетик характеристикалари: термодесорбциясининг ион ҳолатдаги термодесорбция тезлиги доимийси K^+ ва термодесорбциянинг фаолланиш энергияси E^+ , ҳамда радикаллар учун энтропия кўпайтувчилари S тадқиқ қилинмаган;

4. оксидланган вольфрам ва молибден сиртида кўп атомли гиёҳванд моддалар молекулаларининг сиртдаги гетероген бўлиниш реакциялари кинетик характеристикалари тадқиқ қилинмаган;


5. Сиртдаги бўлиниш реакциялари тезликлари доимийлари K_i^d ёки реакциянинг характеристик вақти $\tau_i^d = \frac{1}{K_i^d}$, реакциянинг активация энергияси E^d ва экспонента олди кўпайтувчилари G^* аниқланмаган.

6. Самарали ионлашувчи радикалларнинг ионланиш потенциаллари аниқланмаган.

Ушбу ҳал қилинмаган муаммолар асосида диссертацион ишнинг асосий мақсад ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертация ишининг "**Амалий қурилма ва тадқиқот усуллари**" деб аталган иккинчи бобида тажрибаларни амалга ошириш имконини берувчи масс-спектрометриқ қурилмалар ва ўлчаш методикалари баёни келтирилган: масса спектрометриқ созлашлари ва усуллари тасвирланган: сирт ионланишининг турғун шароитида органик ва ноорганик кимёда, ва стационар сиртий ионлашиш ҳодисаларини ўрганишда тадқиқот ва аналитик ишлар учун қўлланиладиган МХ - 1320 масс-спектрометри, τ - спектрометрларнинг умумий кўриниши ва масс-спектрометриқ қурилма вакуум қисмларининг схемалари келтирилган. Тажриба қурилмалари турғун ва турғун бўлмаган шароитларда сирт ионланишини ўрганишда қўлланиладиган бундай қурилмаларга қўйиладиган барча талабларга жавоб беради. Ионлар манбаи ва қўлланилган "қора камера" схемаси 1а- ва 1с-расмларда кўрсатилган. Шунингдек, сиртни ионлашнинг стационар бўлмаган: кучланиш модуляцияси ва оқим модуляцияси усуллари таъминлашга имкон берган қурилмалар

схемалари келтирилган. Тажрибанинг ишончли натижалари ишончилигини таъминлаш учун вақт билан бошқариладиган кучланиш модуляцияси усули ва сиртнинг эмиссия хусусиятларининг контрастини аниқлаш усули қўлланилган бўлиб, уларнинг тавсифи ва усуллари ушбу бобда келтирилган. Термодесорбция кинетик характеристикаларини ва кўп атомли заррачаларнинг сиртдаги диссоциациясининг гетероген реакциясини ўрганиш учун термоэмиттерларини тайёрлаш тартиби батафсил тавсифланган.




1-расм. а) Ионлар манбаи ионов: 1-ионлар эмиттери; 2,3-модуляцияловчи электродлар; 4- фокусловчи электродлар; 5- Электрон пушка катода; 6-қайтаргич; 7-ионизацион камера; 8- Фарадей цилиндри; 9-тортиб олувчи электрод; 10-13- электрон-оптик система электродлари; 14-15- Кнудсен ячейкалари; б) «Қора камера»: 1- 2-модуляцияловчи электродлар; 4- фокусловчи электродлар; 3- ионлар эмиттери; 5- Кнудсен ячейкаси; 6- беркитувчи пластинка.

Ишқорий-галоидли тузларнинг диссоциатив сиртий ионлашишини тадқиқ қилишда термоэмиттерлар сифатида вольфрам и молибдендан, органик бирикмаларнинг ионлашиши жараёнларини тадқиқ қилишда эса уларнинг оксидларидан фойдаланилди. Бундай турдаги термоэмиттерларни танланишига сабаб шуки, вакуумда стационар шароитларда сиртий ионлашишни тадқиқ қилишда вольфрам ва унинг оксидларидан фойдаланилган, ҳаво атмосферасида физиологик фаол органик бирикмаларнинг қолдиқ из миқдорларини аниқлаб берувчи ва идентификация қилувчи детекторларда асосан молибден, унинг қотишмалари ва уларнинг оксидларидан фойдаланилади. Бундан ташқари биз тавсия қиладиган моделни асослаш учун турли сиртларда олинган натижаларни солиштириб таҳлил қилишимиз керак эди.

Ушбу бобда ишқорий-галоидли тузлар ва органик бирикмаларнинг сиртий ионлашиши жараёнларини тадқиқ қилиш учун металл ва оксидланган W ва Mo термоэмиттерларини тайёрлаш, ҳамда W ва Mo ларни оксидлаш режимлари келтирилган.


Оксидлаш юқори вакуумли қурилмада икки хил усул билан амалга оширилди: термик ва $E_0 \leq 5$ кэВ энергияли O_2^+ ионлари билан бомбардимон қилиш орқали оксидлаш. Газ ионлари пушкаси O_2 кислород манбаи, катод, анод, диафрагма ва фокуслаш тизимидан иборат (2-расм). Термик оксидлаш режимида $P_{O_2} \approx 5 \cdot 10^{-3}$ Па босимли кислород $T=950$ К ҳароратгача қиздирилган нишон (молибден) сиртига бевосита келиб тушади. Ҳосил бўладиган плёнка қатлами оксидланиш вақтига боғлиқ. 25-30 А қалинликдан бошлаб бир жинсли оксидланиш кузатилади.



2-расм. Газ ионлар замбараги: 1 – қиздирувчи ип; 2 - анод; 3 – диафрагма тизими; 4 - 6 – ионларни йиғувчи тизим.

Ион бомбардировка қилиш жараёнида Mo O_3 плёнкалари кислород ионлари O_2 ни $E_0 \approx 50 - 70$ эВ энергияли электронлар орқали ионлаштириш йўли билан олинди. Катоддан чиқаётган ва «катод-анод» орасидаги майдон орқали тезлаштирилган электронлар магнит майдони таъсирида спиралсимон халқа траектория бўйича ҳаракатланади ва кислород атомларини ионлаштиради. Бу ҳосил бўлган ионлар тезлаштирилади, фокусланади ва намуна марказига келиб тушади. Электронларнинг энергиялари ~ 50 эВ, бўлганлиги сабабли O_2 нинг кўп қаррали ионлари ҳосил бўлиш эҳтимоли кам. Намунга келиб тушаётган ионлар дастаси диаметрини ~ 3 дан ~ 10 мм гача, ток зичликларини эса плотность тока O_2^+ от $5 \cdot 10^{-7}$ дан 10^{-3} А \cdot см $^{-2}$ гача ораликда ўзгартириш имконияти мавжуд. Бир жинсли плёнка қалинлигини 15 – 20 Å дан 90 – 100 Å гача ораликда ўзгартириш мумкин. Оксиднинг 90 А гача

қалинлигида фото- ва термоэлектрон чиқиш ишлари мос равишда 6.8 ва 6.4 эВ ни ташкил қилди. MoO_3 наноплёнкаларини олиш учун зарур бўлган оптимал режимлари (кислорода босими, температураси ва қиздириш вақти) ни танлаш учун қуйидаги тадқиқотлар ўтказилди. Дастлаб тоза $\text{Mo} (111) P_{\text{O}_2} = 5 \cdot 10^{-3}$ Па кислород муҳитида 30 минут мобайнида турли температураларда оксидланди (3-расм). Mo ни ҳар бир оксидлаш циклидан олдин при $T=1800$ К температурада 1 соат мобайнида қиздириб тозаланди. 3-расмдан кўриниб турибдики, Mo нинг максимал оксидланиши $T \approx 700-1000$ К температура интервалига тўғри келар экан. $T \approx 1100-1200$ К температура интервалида молибден қисман, $T \geq 1300$ К температура интервалида эса амалда оксидланмас экан. Бизнинг кейинги кузатишларимиз шуни кўрсатдики, $T \approx 500-800$ К температура интервалида электронларнинг оже –спектрларида MoO_x ($x \approx 1-4$) оксидлар учун характерли чўққилар, $T \approx 750-800$ К температура интервалларида асосан MoO_4 , $T 850-900$ К да MoO_3 чўққилар ва $T \approx 1000-1100$ К да MoO_2 чўққилари намоён бўлар экан.



3-расм. $P_{\text{O}_2} = 5 \cdot 10^{-3}$ Па кислород атмосферасида қиздириш жараёнида Mo сирти намуналарида кислород концентрацияларининг ўзгариши.

1-жадвалда термик оксидлаш ва ионлар ёрдамида бомбардион қилиш шароитларида олинган MoO_3 оксид қатламларининг фото- ва термоэлектрон чиқиш ишлари катталиклари ($e\Phi$ ва $e\varphi$) келтирилган. Худди шундай тарзда W сиртида WO_3 оксидлари олинди. Бу тажрибаларда эмиттер температураси $T \approx 1000$ К да ушлаб турилди..


1-жадвал

$d = 90 \text{ \AA}$ қалинликдаги MoO_3 плёнкалари учун $e\Phi$ ва $e\varphi$ ларнинг қийматлари.

	Термик оксидлаш	Ион имплантация
$e\Phi$, эВ	7,8	8,1
$e\varphi$, эВ	6,2	6,4

Ўлчашлар вақтида ишчи камерадаги вакуум фаол газларнинг парциал босимлари $P < 10^{-8}$ Па бўлганда 10^{-6} Па дан юқори бўлмади. Боб охирида асосий хулосалар келтирилган.


Диссертация ишининг "Атом ва кўп атомли зарралар десорбциясининг кинетик хусусиятларини кучланиш модуляцияси билан текшириш" деб аталган учинчи бобида сирт ионланишининг стационар шароитида оксидланган вольфрам сиртида кўп атомли ацетилхолин молекулаларининг сирт ионланишини ўрганишнинг амалий натижалари келтирилган. Бу органик бирикмаларнинг ион ҳосил бўлиш қоидалари бўйича кўп атомли заррачаларнинг диссоциатив сирт ионланишини амалий тасдиқлаш учун амалга оширилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, сирт ионизацияси масса спектрометрияси юқори сезувчанлик ва танловчанликка эга бўлган турли хил аралашмалардаги ацетилхолиннинг қолдиқ из миқдорини аниқлаш ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш имконини беради. Миқдорий таҳлил ҳар доим калибрлашни талаб қилади. Ушбу бобда кучланишни бошқариш усулининг кўп атомли заррачаларнинг вольфрам ва молибден сиртларида диссоциатив сирт ионланишига татбиқ этилиши кўриб чиқилди. Кўп атомли заррачаларнинг диссоциатив сиртий ионлашиши жараёнларида кучланишни боқариш методида заррачалар сиртий концентрациясининг узлуксизлик тенгламаси ечилди. Морфин, кодеин, тебаин ва бошқа кўп атомли заррачалар молекулаларининг диссоциатив сирт ионланишининг тажриба натижалари келтирилган. Кодеиннинг структура формуласи 4-расмда келтирилган.



4-расм. Кодеиннинг структура формуласи: а) структура; б) зарядлари; с) боғлар узунликлари.

Молекулаларнинг квант-кимёвий ҳисоблашлари Gaussian 09W программа пакетидаги Ground state, DFT, Undistracted ва B3LYP методлар асосидаги 6-31g (d, p) базис ўрнатмаси бўйича олиб борилди. Ёрдамчи дастурлар сифатида Avogadro1.2.0, Gauss View 6.0.16 ва Hyper Chemical программа пакетларидан фойдаланилди.

Биз кўп атомли заррачаларнинг стационар бўлмаган шароитда оксидланган вольфрам ва молибден сиртларида ўзаро таъсирининг кинетик хусусиятларини аниқлаш мақсадида, яъни термодесорбция кинетик хусусиятларини аниқлаш учун кучланиш модуляцияси усули билан морфин кодеин, тебаин ва кокаин молекулалари устида тажрибалар ўтказдик. Кодеин молекулаларининг сиртий ионлашиши жараёнида олинган масс-спектр 5-расмда келтирилган.




5-расм. Кодеин молекуласининг оксидланган вольфрам сиртидаги жараёнида олинган масс-спектр ($T_s = 1000$ K).

Шундан сўнг масс-спектрлар таҳлил қилинди, яъни тадқиқ қилинаётган молекулаларнинг сиртдаги гетероген бўлиниш реакциялари маҳсулотларининг самарали ионлашиши аниқлангандан сўнг биз ўлчашларнинг температура диапазодини аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган молекулалар токларининг температурага боғлиқлигини ўргандик. Олинган боғланишлар 6-расмда келтирилган.

Ўзаро таъсирнинг кинетик характеристикаларини ўлчашга киришдик. 7-расмда кучланиш модуляцияси усули билан олинган ионлар тоқининг вақтга боғлиқлиги $\ln \Delta i_i(t) = f(t)$ келтирилган. Кўриниб турибдики, тажрибаларнинг барча ҳароратида олинган натижалар тўғри чиқиқлар $\ln \Delta i_i(t) = f(t)$ билан яхши яқинлаштирилган ва морфин, кодеин, тебаин ва

кўп атомли молекулаларнинг адсорбцияси жараёнида диссоциатив сирт ионлашиш жараёнларида оксидланган вольфрам сиртида ўртача яшаш вақтлари $\tau_i(T) = \frac{1}{K_i(T)}$ ни ҳисоблаш имконини беради. Ҳар бир температурада осциллограммалар бўйича токнинг бошланғич i_{max} ва стационар i_0 қийматларини аниқлаб $\beta = \frac{i_{max} - i_0}{i_{max}} = \frac{\Delta i_{max}}{i_{max}}$ формула орқали сиртий ионлашиш коэффицентлари β_i ни топдик, бу қийматлар 0,70 ÷ 0,86 ни ташкил қилди. Аниқланган қийматлар 3-жадвалда келтирилган.




6-расм. Оксидланган вольфрам сиртида $C_9H_7N^+CH_3$ (m/z 144) радикаллар тоқларининг температурага боғлиқлиги.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг ҳолатларимизда ҳарорат оралиғи ($\Delta T \sim 60 \div 70K$) кичик бўлиб чиқди, яъни вольфрам оксидларида енгилроқ молекулаларнинг адсорбцияси ҳолатидан сезиларли даражада кичикроқ. Буни кўп атомли заррачаларнинг диссоциацияси эмиттернинг заҳарланишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу тушунтириш β_i ионланиш коэффицентларининг олинган қийматлари билан тасдиқланган.

$\ln \Delta i_i(t) = f(t)$ боғлиқликлари тезлик константалари $K_i(T)$ $K_{-i}(T)$ ёки эмиттернинг ҳар бир температурасида сиртдаги заррачаларнинг ўртача вақтини аниқлаш учун ишлатилган. Ўрганилаётган радикалларнинг бир қисми учун олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган. Термодесорбция тезлиги $K_i(T)$ доимийлари, шунингдек, ионланиш оқимлари учун олинган натижалардан фойдаланиб, ҳар бир текширилаётган модда учун 3-жадвалда келтирилган бир хил ҳароратларда β_i сирт ионланиш коэффицентлари ҳисоблаб чиқилган. Кейин, термодесорбция тезлиги доимийларининг маълум қийматларига кўра, сирт ионланиш коэффицентидан фойдаланиб, Арениус

боғлиқликлари, яъни $Lg\beta_i(T)K_i(T) = f(5040/T)$ ва $Lg[1 - \beta_i(T)]K_i(T) = f(5040/T)$ графиклари чизилган (8-9 расм).



7-расм. Кучланишни бошқариш усулида кодеин молекулалари дсорбциясида олинган $\ln I_i(t) = f(t)$ боғланиш графиги.


2-жадвал.

$C_9H_7N^+CH_3$ (m/z 144) радикали учун кодеин молекулаларининг диссоциатив сиртий ионлашиши жараёнида кучланишни бошқариш усулида олинган ўртача яшаш вақтлари.


№	T, K	$\frac{5040}{T}$	$\tau_{MMH}, \times 10^{-3} s$	K_{MMH}, s^{-1}	$\ln K_{MMH}$
1	720	7.0	90	11,1	2,4
2	730	6.9	70,4	13,5	2,6
3	742	6.79	50,4	18,5	2,92
4	757	6.65	44,3	22,7	3,1
5	770	6.54	36,1	27,7	3,3
6	780	6.46	30,24	33,07	3,5
7	788	6.39	20,2	49,5	3,9

Арениуса графиклари орқали (бурчак тангенци орқали) кодеин молекулалари адсорбцияси чоғида m/z 144 бўлган $C_9H_7N^+CH_3$ радикаллар ион ва нейтрал заррачалари, тебаин молекулалари адсорбцияси чоғида эса $C_{11}H_{12}ON^+$ с m/z 174 бўлган $C_{11}H_{12}ON^+$ радикаллар ион ва нейтрал заррачалари термодесорбция кинетик характеристикалари, шунингдек узлуксизлик тенгламасидаги экспонента олди кўпайтувчилари аниқланди. Олинган натижалар тажриба натижалари хатолигида худди шу радикаллар учун бошқа авторлар ва кам сондаги атомларга эга бошқа органик молекулалар адсорбциялари жараёнида биз олган натижалар билан мос тушади. Олинган натижалар 3-жадвалда қайд қилинган. Кучланишни

бошқариш усулида морфин, кодеин, тебаин ва кокаин молекулаларининг диссоциатив сиртий ионлашиши тадқиқ қилинди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, релаксион жараёнларэкспоненциал функция кўринишида аппроксимация қилинар ва ионлар токининг камайиши орқали ионлар термодесорбцияси кинетик характеристикаларини аниқлаш мумкин экан. Морфин ва кодеин молекулаларининг адсорбциялари жараёнида ҳосил бўладиган $C_9H_7N^+CH_3$ (m/z 144) ва тебаин молекулалари адсорбцияси жараёнида ҳосил бўладиган $C_{11}H_{12}ON^+$ (m/z 174) ионлар учун олинган термодесорбция тезлиги K^+ ва термодесорбция активация



8-расм. Кодеин молекулаларининг ионлашиши шароитида кучланишни бошқариш усулида $C_9 H_7N^+CH_3$ (m/z 144) радикаллари учун олинган $lg[K(T) \cdot \beta(T)] = f\left(\frac{5040}{T}\right)$ боғланиш графиги.



9-расм. Кодеин молекулаларининг ионлашиши шароитида кучланишни бошқариш усулида $C_9 H_7N^+CH_3$ (m/z 144) радикаллари учун олинган $\ln[1 - \beta(T)] \cdot K(T) / \beta_i(T) = f\left(\frac{5040}{T}\right)$ боғланиш графиги.





энергиялари E^+ ўзаро ва худди шу ионлар учун бошқа моддалар адсорбциялари жараёнларида олинган қийматлар билан яхши мос келади.

Бу ҳол мувозанатли сиртий ионлашишнинг асосий қонуни, яъни сиртий ионлашиш даражаси α (коэффициенти β) айнан бир ион учун у қайси сиртда ва қандай ҳосил бўлишидан қатъий назар бир хил бўлиши кераклигини тасдиқлайди. Бошқача қилиб айтганда, ионлашувчи заррачанинг тарихига боғлиқ эмас.

